

## МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ҲАЛ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Хўжаев Юнусхўжа Мустафохўжа ўғли

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539649>

**Аннотация:** Ушбу тезисда фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб ҳал этишда илғор хорижий давлатлар тажрибаси қисман ўрганилиб, суд-ҳуқуқ фаолияти соҳасида миллий қонунчилигимиз сифатини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хулосалар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат низоси, тааллуқлилиқ, илғор тажриба, меҳнат судлари, миллий қонунчилик.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бузилган қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ соҳасида сезиларли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалиқ суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек “бундан кўзланган асосий мақсад – фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишини сўзсиз таъминлайдиган ягона суд амалиётини шакллантиришдан иборат” [1. – Б. 427-428]

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлигига қарамадан, меҳнат ҳуқуқи субъектлари иштирокида юзага келаётган меҳнат низоларининг сони тобора ортиб бораётганлиги судлардан ушбу низоларни тўғри ва ўз вақтида кўриб ҳал этишни талаб этади. Бу эса ўз ўрнида меҳнат низоларининг қайси органлар томонидан кўриб ҳал этилиши масаласини тўғри ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 260-моддасида меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар санаб ўтилган. Унга кўра, меҳнат низолари меҳнат низолари комиссиялари ва туман (шаҳар) судларида кўриб ҳал этилиши белгиланган. Ходим меҳнат низоси билан боғлиқ

бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга муурожаат этишга ҳақли ҳисобланади. Ушбу норма орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари янада мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин.

Меҳнат кодексининг 269-моддасига кўра, меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар), туманлараро судларида кўриб чиқилади:

- агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;
- улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;
- улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;
- улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;
- улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса;
- улар Меҳнат кодексининг 78-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса [2.-Б. 8.]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, меҳнат низоларини қайси органда кўриб чиқилишига тааллуқли бўлишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- меҳнат низолари комиссиялари томонидан кўриб ҳал этиладиган меҳнат низолари;
- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар томонидан кўриб ҳал этиладиган меҳнат низолари;
- айрим тоифадаги давлатнинг махсус хизматчилари иштирокида кўриб ҳал этиладиган меҳнат низолари.

Келинг хорижий мамлакатларда меҳнат низолари қай тартибда кўриб ҳал этилишига қисқача тўхталиб ўтсак. Аксарият ривожланган давлатларда меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга оид суд тизими иккига бўлинган.

Яъни умумий юрисдикция судлари ва меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга ихтисослашган судлар.

Умумий юрисдикция судлари ўз фаолиятида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан бир вақтда жиноят ва маъмурий муносабатларга доир ишларни ҳам кўриб чиқади. Меҳнат муносабатларига ихтисослашган судлар эса фақатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва бузилган қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларни кўриб ҳал этади.

Ихтисослашган меҳнат судлари Германия, Дания, Финландия, Франция, Буюк Британия, Белгия, Люксембург, Испания, Португалия, Швейцария, Норвегия, Канада, Янги Зеландия ва Исроил каби ривожланган давлатларда мавжуд эканлигини кузатиш мумкин. Мисол учун, Белгияда меҳнат судлари 1970 йилда суд тизимида амалга оширилган туб ислохотлар негизида барча ижтимоий-меҳнат муносабатларини самарали кўриб ҳал этиш мақсадида ташкил этилган.

Финландияда меҳнат судлари ташкил этилишига умумий юрисдикция судларининг жуда ҳам секин ишлаши ҳамда ушбу судларнинг жамоа шартномаларидан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда зарурий тажрибага эга эмаслиги каби омиллар сабаб бўлган.

Францияда эса меҳнат судлари ташкил этилишига меҳнат низоларига оид тавсилотларни эшитувчи судьянинг касбий фаолиятида меҳнат муаммоларини яхши тушуна олиш қобилияти ва меҳнат низолари предметини чуқур англаб этиш ҳислати мавжуд бўлиши лозимлигини даъвогарлар томонидан талаб этилиши ва бу каби судьяларга бўлган хоҳишнинг ошиб кетиши сабаб бўлди. [3]

Шунингдек, меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга оид ихтисослашган судлар Германияда ҳам ўзига хос ва алоҳида аҳамиятга эга. Дунё тажрибасида илк бора Германияда 1926 йилда Веймар Республикаси “Меҳнат низолари бўйича суд” қонунини қабул қилди. Бугунги кунда Германияда меҳнат юстицияси 1953 йилда “Меҳнат ишлари бўйича судлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. [4]

Германияда меҳнат судларига қуйидаги ишлар тааллуқли этиб белгиланган:

- якка ва жамоаларга доир меҳнат низолари;
- меҳнат муносабатларига киришиш юзасидан келишувлар жараёнида юзага келувчи низолар;
- меҳнат стажи билан боғлиқ низолар;

- жамоа келишуви хулосалари юзасидан ходимларнинг алоҳида бирлашмалари ва иш берувчиларнинг ҳуқуқларини тан олиш ҳақидаги низолар. [5]

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, ривожланган Европа мамлакатларида ташкил этилган меҳнат судлари меҳнат низолари билан боғлиқ ишларни кўриб ҳал этишда самарали фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунда фуқароларнинг меҳнат низоларига оид судлар томонидан кўрилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, 2018 йил республика бўйлаб жами 4 785 та, 2019 йилда жами 4 233 та, 2020 йилнинг 9 ойи давомида эса жами 1 605 та меҳнат низолари суд томонидан кўриб ҳал этилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу рақамлар меҳнат судларини ташкил этиш бўйича Европа тажрибасини мамлакатимизнинг суд тизимига татбиқ этишга эҳтиёж йўқ эканлигини тасдиқлайди. Бироқ айрим тоифадаги ходимлар иштирокидаги меҳнат низоларининг тааллуқлилиги юзасидан турли хил амалиёт шаклланганлиги фуқароларнинг судларда сарсон-саргардон бўлиб юришларига, уларнинг одил судловга нисбатан ишончига путур етказилишига олиб келмоқда. Юқоридаги ҳолатларга чек қўйиш ва ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2019 йил 2 февраль куни “Суд ишларининг тааллуқлилиги” мавзусида видеоконференция алоқа тизими орқали барча ҳарбий, маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича судлар судьялари иштирокида семинар машғулоти ўтказилиб, унда:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Божхона қўмитаси ва бошқа давлат органлари хизматчиларининг меҳнатга оид муносабатлари бўйича юзага келган низолар фуқаролик ишлари бўйича судларга;
- ҳарбий хизматчи ёки собиқ ҳарбий хизматчининг меҳнат ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ низолари ҳарбий судларга тааллуқли эканлиги ҳақида тегишли тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, Олий суднинг 2019 йил 4 февралдаги 11-9-10-сонли хатида судлар келгусида ишларни кўришда юқоридаги кўрсатмага қатъий амал қилган ҳолда кўриб ҳал этиши, судловга тааллуқлилиқ масаласи бўйича асоссиз равишда даъво (ариза) аризани қабул қилишни рад қилиш ёки ишни иш юритишдан тугатиш ҳолатларига йўл қўйган судьялар интизомий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилган. Юқорида кўрилган чора-тадбирлар натижасида суд амалиётида хато ва камчиликлар кескин камайганига ва бу борада ижобий натижага эришилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бироқ ушбу масалада Олий

суд томонидан чиқарилган кўрсатма билан чекланиш хато деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги масалаларни тез ва аниқ, шунингдек самарали ҳал этиш мақсадида ягона норматив ҳуқуқий-ҳужжат “Давлат махсус хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳамда унга айрим тоифадаги ходимлар иштирокидаги меҳнат низолари айнан қайси органга тааллуқлилигини, уларни кўриб ҳал этишни тартибга солувчи нормаларни аниқ ва тушунарли қилиб киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ш.М.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 427-428.
2. Х.Ёдгоров Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар амалий қўлланма-Тошкент:Вактрия press, 2016.- Б. 8.
3. Долгова И.А. Необходимость введения специализированных трудовых споров в россии: за и против //file:///C:/Users/DPSERVICE.uz/Dowlands/neobhodomost-vvedeniya-spetsializirovannyh-trudovyh-sudov-v-rossii-za-i-protiv.
4. Лысенко О.Л. Предтеча судов по трудовым спорам в Германии: промышленные и купеческие суды (конец XIX-первые десятилетия XX В.)
5. Оборец,В.Н. Специализированные трудовые суды: зарубежный опыт и российское законодательство//<https://www.lawmix.ru/comm/3697>